



Кун нафаси

Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2021 йил
23 февраль
сешанба
№ 25
(4465)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БМТ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАШИНИНГ 46-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли раис Нажот Шамим Хон хонимлари!

Хурматли Олий комиссар Мишель Бачелет хонимлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида ушбу учрашувда биринчи марта иштирок этмоқда.

Биз сўнгги йиллар давомида Кенгаша аъзо бўлиш учун бутун масъулиятни англаган ҳолда интилиб келганимизни таъкидламоқчиман.

Демократик ислохотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортага қайтмайдиган тус олди.

Биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «**Инсон ҳуқуқлари йўлида ҳаракатга даъват**» ташаббусини илгари суриш учун Кенгаш аъзолари, барча шерикларимиз билан яқин ҳамкорликни давом эттирамыз.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва Кенгаш доирасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишлари куйидагилардан иборат.

Биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда туради.

2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари маълумотида ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутишда «**ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик**» тамойили асосида амалга оширилади.

Бу ўринда сўз Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси экспертларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни амалга ошириш тўғрисида бормоқда.

Иккинчидан, биз гендер сиёсати масалалари борасида маълумотидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамыз.

Жорий йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Учинчидан, алоҳида эътиборга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади.

Яқинда Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги янги қонун кучга кирди. Ўзбекистон Парламенти Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиши кутилмоқда. Биз имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилиятини тўла рўйга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузишни таклиф этамыз.

Тўртинчидан, аҳолимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Жорий йил Ўзбекистонда Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили, деб эълон қилинди.

Бу борада биз:

– Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

– БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

– шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини тасвир этиш масаласини киритишга тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Бешинчидан, биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда **мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик**. Бу ислохотларимизда энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди.

2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қиламыз.

Олтинчидан, «Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим» декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб биз Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишни таклиф этамыз.

Ўқитиш тизимини ривожлантириш мақсадида БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Еттинчидан, Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади.

Хонимлар ва жаноблар!

Биз эришган натижаларимиз билан ақолининг қолмасдан, бундан буён ҳам фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз.

Шу аснода нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари тўғрисида кодекслар ишлаб чиқилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дин ёки эътиқод эркинлиги, судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиларнинг тавсияларини алоҳида эътиборга олганмиз.

Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаша Судьялар кенгаши фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамыз.

Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо

йўл қўймаймиз. Бундай жиноятлар қачон содир этилганидан қатъий назар, улар учун жазо муқаррардир.

Қийноқларга қарши конвенциянинг Факультатив протоколини ратификация қиламыз.

Мазкур масалалар юзасидан ҳамкорликда ишлаш мақсадида Қийноқлар масаласи бўйича махсус маърузачини Ўзбекистонга таклиф этишга тайёргарлик кўрамыз.

Хурматли йиғилиш иштирокчилари!

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади.

Шу билан бирга, биз инсон ҳуқуқлари борасида ҳали улкан йўлнинг бошида турганимизни яхши тушунамиз ва халқаро ҳамкорларимизнинг қўллаб-қувватлашига умид қиламыз. Шу муносабат билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар Мишель Бачелет хонимларининг юртимизга ташрифини кутиб қоламиз.

Бу борада мандатга эга бўлган барча вакилларнинг Ўзбекистонга ташриф буюришлари учун доимий таклифнома юбориш ҳақида қарорни қабул қиламыз.

Шунингдек, Осиё қитъасининг инсон ҳуқуқлари бўйича минтақавий механизмининг мунтазам фаолият курсатадиган платформа – Самарқанд форуми негизда яратиш борасида кўмак беришга тайёرمىз.

Хурматли дўстлар!

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзиде тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Нутқимнинг якунида шунини яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: **Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умумэтироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.**

Эътиборингиз учун раҳмат.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 22 февраль куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясининг юқори даражадаги сегменти ишида нутқ сўзлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Транспорт вазири лавозимига Илҳом Маққамов номзоди маъқулланди.

2021 йилнинг 23 февраль куни Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Афғонистонга амалий ташриф билан боради. Ташқи ишлар вазирилик хабарига кўра, бўлажак учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон-Афғонистон муносабатларининг ҳозирги ҳолати ва келгусида ривожланиш истиқболларини муҳокама қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умуразоқов Исроил давлатининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Зеҳавит Бен Хиллел билан учрашув ўтказди.

Наманган вилояти ҳокими Шавкат Абдуразоқов Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги фавкулда ва мухтор элчиси Маниш Прабхатни қабул қилди.

«Ўзбекистон ва Ҳиндистон авиация маъмурияти ўртасида бўлиб ўтган музокараларда икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри мунтазам авиатловларни «International Air Travel Bubble» битими асосида амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди», деб хабар бермоқда Транспорт вазирилик матбуот хизмати.

Жорий йилнинг 22-27 февраль кунлари Фарғона вилоятининг сўлим сиҳатгоҳида «Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида очиқлик, сўз эркинлиги ва жамият» мавзусида анъанавий «Чимён-2021» медиафоруми бўлиб ўтди.

Италиянинг Конго давлатидаги элчиси Лука Аттанасио қуролли ҳужум оқибатида ҳалок бўлди. Бу ҳақда Agence France-Presse (AFP) агентлиги хабар берди.

АҚШ ҳукуматининг юқумли касалликлар бўйича бош эксперти доктор Энтони Фаучи америкаликлар 2022 йилда ҳам тиббий ниқоб тақишларига тўғри келиши мумкинлигини маълум қилди. Экспертнинг фикрича, мамлакатда касаллик авж олиши ҳолатлари анча мuddат сақланиб қолиши мумкин.

Япония ҳукумати коронавирусга қарши эмлаш учун вакцина етиштиришнинг маълум қилди.

80 йилдан сўнг Марсда дастлабки аҳолиси миллион кишидан ошувчи шаҳар вужудга келади. «Росбалт.ру» хабарига қайд этилишича, бу ҳақда «Марс жамияти» президенти Роберт Зарубин фикр билдирган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



КУТИЛМАГАН ТАШРИФ САМАРАЛАРИ: «Бунёдкор» ўз номига монанд бўлмоқда

Давлатимиз раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифини наманганликлар интиқлик билан кутгани рост. Ташрифнинг ўзгача кечгани эса барчамиз кўрдик. Вилоят аҳли Президент билан учрашув онларида барча ҳақиқат, камчиликлар ва ўзларини қийнаб келаётган муаммоларни бор ҳолича ошкор этишди.

Ташриф чоғида махсус манзил томон юрмай, ўз кортежини «Бунёдкор» маҳалласи сари бошлаганидан ҳам билса бўладики, халқнинг дардини тинглаш, улар билан дилдан суҳбатлашиш, одамларнинг оғирини енгил қилиш асосий кўзланган мақсад бўлган.

Президентимиз маҳалладаги шароит билан танишгач, алоҳида таъкидлаб ўтди. Кўндан буён табиий газ, ичимлик суви, йўл муаммоларидан азият чекиб келаётган маҳалла аҳлининг орсуси айни кунларда ушалади-кан бўлди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, эрта тонгдан вилоят ҳокими бошчилигида барча куч ва ободонлаштириш «армияси» шу ҳудудга ташланди.

...Президентимиз Наманганга қилган

Халқ билан мулоқот

Ислохот

ҚОҒОЗДА ҚОЛАЁТГАН ҚАРОРЛАР

Улар назорати учун янги фармон имзоланди

Шу вақтгача қабул қилинаётган қарор ва фармонларнинг ижроси ҳар доим ҳам кўнгилдагидек бажарилмаган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат иқтисодиёти, аҳоли турмуш даражаси яхшиланишига ўз таъсирини кўрсатиб келаётганлиги. Ҳатто, охириги пайтларда айрим туман ва шаҳар ҳокимликлари аксарият ҳолларда қарор ва фармонларга зид равишда иш тутаетгани ҳам маълум бўла бошлади.

Лекин энди бундай бўлмайди.

Шу йилнинг 10 февралдаги «Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонида белгиланган вазифалар шундай дейишга асос бўлмоқда.

Ушбу фармонга мувофиқ «lrg.gov.uz» тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилишнинг мутлақо янги тизими жорий этилади. Мазкур тизимни юритиш ва назорат олиб бориш Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Вазирлик «lrg.gov.uz»да назоратга олинган қарор, фармон ва топшириқларни кириштириш, масъул ижрочилар ва бажариш мuddатини белгилайди, ижрочилар томонидан тизимга киритилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади. Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларнинг ижро мuddатларини узайтириш ҳақидаги таклиф ва шикоятларини ўрғанади.

Борди-ю давлат органлари ёки ҳокимликлар назоратга олинган ҳужжатларни ўз вақтида белгиланганидек бажармаса, қонунчиликка мувофиқ интизомий, маъмурий жавобгарликка тортилади.

Жорий этилаётган янги тартибга биноан 2021 йил 1 апрелда республика даражасидаги барча ташкилот ва органлар, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент фармонида белгиланган вазифалар шундай дейишга асос бўлмоқда.

Борди-ю давлат органлари ёки ҳокимликлар назоратга олинган ҳужжатларни ўз вақтида белгиланганидек бажармаса, қонунчиликка мувофиқ интизомий, маъмурий жавобгарликка тортилади.

1962 Ҳудуд бепарволик «ПАНДЕМИЯ» СИ ҚУРБОНЛАРИ 2020 йили Ўзбекистонда йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди. Шундан 1689 таси фожиали яқун топди. 1962 нафар киши вафот этди. Ҳолбуки, 2020 йили дунени ларзага солган коронавирус пандемиясида ҳам юртимизда бу қадар кўп йўқотиш бўлмаган эди. Маълумотларга кўра, 2021 йил 21 февралгача мамлакатимизда коронавирусдан вафот этганлар сони расман 622 нафарни ташкил этмоқда. Бу Ўзбекистонда коронавирус инфекциясидан йўл-транспорт ҳодисаларига нисбатан уч баробар камроқ одам вафот этганини кўрсатади.

Кун рақами

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ, «ISHONCH»

КУТИЛМАГАН ТАШРИФ САМАРАЛАРИ: «Бунёдкор» ўз номига монанд бўлмоқда

1 – Илгари Наманган тумани ҳудудига қараган «Бунёдкор» маҳалла фуқаро-лар йиғини кейинчалик шаҳар таркибига киритилган, – дейди маҳалла фаоли Жобир Алиханов. – Бу ер аҳолиси тоза ичимлик суви йўқлигидан қийналиб келишади. Йўллар ҳам яроқсиз, ўйдим-чуқур аҳволда эди. Президентимиз маҳалламизга қутилмаганда ташриф бурдилар ва бу ердаги камчиликларни ўз кўзлари билан кўриб, аҳоли билан мулоқот қилиб, маҳаллани обод этиш учун мутасаддиларга зарур тавсияларни берди. Аини пайтда нураб тўкилар аҳвол-

даги маҳалла биноси қайтадан қурилмоқда, йўллар текисланмоқда, яшаб турган жойимиз обод бўлмоқда... Маҳалла аҳолисини сифатли электр энергияси билан таъминлаш мақсадида эса 95 дона янги темир-бетон таянчлар, қўшимча 250 кВАли трансформатор пункти, 3,4 км. янги тармоқ қурилиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда. Мазкур юмушлар натижасида истеъмолчиларнинг электр энергияси билан боғлиқ эътирозларига ўрин қолмаслигини ваъда қилган «Наманган ХЭТК» акциядорлик жамияти бундан буён ҳам мана шундай жонбозлик билан иш олиб бори-

шига кўпчилик умид қилмоқда. Президентимизнинг қутилмаган ташрифидан бошимиз осмонга етди, – дейди маҳалла фуқароси Нигора Мўйдинова. – Мана, неча йиллик муаммолар бир зумда ҳал бўляпти. Фарзандларим ўйдим-чуқур йўллардан узоқ мактабга қатнашарди. Йўлларимиз равон бўладиган, энг муҳими сув муаммоси ҳал қилинадиган бўлди. Бугун халқнинг қалбига ёруғлик, умид берган ушбу қутилмаган ташрифнинг тезкорлиқда самара бериши учун вилоят мутасаддилари ҳар қачонгидан бошқача йўналишда ишлашмоқда. «Менинг уйим ҳозир шу ерга қўйилмаган контейнер бўлади. Ҳар куни шу ерда сизларга қўшни бўлиб яшайман. Уйим маҳалла идорасининг рўпарасида жойлашади», дея «Бунёдкор» маҳалласида яшашини маълум қилган вилоят ҳокимининг бу шаштидан ҳам энди маҳаллада битмайдиган иш қолмаслигига ишонса бўлади. Бундан ташқари, яқин орада маҳалланинг 3 гектар ҳудудига кичик саннат зонаси ташкил этилиши, 10 та янги корхона очилиши ва натижада маҳалла аҳолисининг минг нафари иш билан

таъминланиши режалаштирилмоқда. Президентимизнинг ташрифи сабаб Наманганда яна бир қанча манзиллар обод бўлди. Айниқса, «Дашт-боғ» маҳалласининг йўллари равон бўлди, уй атрофлари кўркем қиёфага кирди. Қарийб 4 гектар майдонни эгаллаган «Даштбоғ» кичик саннат зонаси яқинда ташкил этилганига қарамай, бирин-кетин янги корхоналар ишга туша бошлади. Ана шундай корхоналардан бири махсус кийимлар ва эркаклар кўйлаги тикишга ихтисослашган «Dream liner tekstil» масъулияти чекланган жамиятидир. Аини пайтда бу ерда 120 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди. – Бугун маҳалламизни таниш қийин. Кўз олдимизда юз берган бу ўзгаришлардан кўни-қўшнилари билан бирдек хурсандимиз, – дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Иқбола Абдуллаева. – Айниқса, ишлайман деган аёллар янги очилган корхоналарга ишга жойлашишди. Энди улар узоққа бориб ўтиришмайди, иши билан уйи бир қадам, ҳам-касблари ҳам кўни-қўшнилари. Бир-бирларини яхши танишга, билмаганини сўрашади, ишида ҳам унум бўлади...

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ТАШРИФИ САБАБ НАМАНГАНДА ЯНА БИР ҚАНЧА МАНЗИЛЛАР ОБОД БЎЛДИ. АЙНИҚСА, «ДАШТБОҒ» МАҲАЛЛАСИНИНГ ЙЎЛЛАРИ РАВОН БЎЛДИ, УЙ АТРОФЛАРИ КЎРКЕМ ҚИЁФАГА КИРДИ. ҚАРИЙБ 4 ГЕКТАР МАЙДОННИ ЭГАЛЛАГАН «ДАШТБОҒ» КИЧИК САНАТ ЗОНАСИ ЯҚИНДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАНГА ҚАРАМАЙ, БИРИН-КЕТИН ЯНГИ КОРХОНАЛАР ИШГА ТУША БОШЛАДИ. АНА ШУНДАЙ КОРХОНАЛАРДАН БИРИ МАХСУС КИЙИМЛАР ВА ЭРКАКЛАР КЎЙЛАГИ ТИКИШГА ИХТИСОСЛАШГАН «DREAM LINER TEKSTIL» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДИР. АЙНИ ПАЙТДА БУ ЕРДА 120 НАФАР МАҲАЛЛИЙ АҲОЛИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.

Тошкент шаҳри Анжуман

БИР ЙИЛГА НАЗАР:


Вазибалар қай даражада уддаланмоқда?

Пойтахтимизда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирилик мутасаддилари иштирокида «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирилик фаолиятига бир йил: сарҳисоб ва истиқболдаги режалар» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда ўтган қисқа даврда вазириликнинг ўз вазибаларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2020 йилда ажралиш ёқасига келиб қолган 20 952 та оила яраштирилди, 11 725 та оиланинг никоҳи қонунийлаштирилди, оилавий ажралишлар сони 3 559 тага камайгани айтиб ўтилди. «Аёллар дафтари»ни шакллантириш орқали 30 ёшдан юқори бўлган 11 минг нафар хотин-қизга тижорат банклари томонидан 1 трлн. сўмдан ортқ кредит маблағлари ажратилишига кўмаклашилди. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан 3 335 нафар хотин-қизнинг кичик бизнес лойиҳалари учун 70 млрд. 922 млн. сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилди. 433 мингга яқин хотин-қизлар «Аёллар дафтари»га киритилиб, ушбу дафтardaги 80 175 нафар аёлнинг муаммолари ўрнатилган тартибда ҳал этилди. 99 100 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, 41 110 нафар аёлнинг тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, анжуманда оғир ижтимоий шароитда яшаётган 1 246 нафар хотин-қизга уй-жой сотиб олиш учун Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 21 млрд. 746 млн. сўм миқдоридаги бошланғич бадаллар тўлаб берилиб, ногиронлиги бўлган 4 213 нафар хотин-қиз реабилитация воситалари билан таъминлангани каби амалга оширилган қатор жиҳатлар тилга олинди.

– Ўтган йилда нурунийлар иштирокида 3 978 та нотинч оила яраштирилиб, 3784 нафар вояга етмаганлар профилактик ҳисобдан чиқарилди. Шу билан бирга 12 минг 994 нафар нурунийнинг санаторийларда соғлиқларини тиклаш ишлари ташкил этилди, 69 минг нафар кекса авлод вакиллари бепул чуқур тиббий кўриқдан ўтказилди, 112 минг нафар нурунийнинг муқаддас қадамжоларга саёҳатлари уюштирилди. 11 200 га яқин ногиронлиги бор кексаларга эса реабилитация воситалари берилди, – дейди «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирилик бошқарма бошлиғи Зулхумор Жўраева. – Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 28 та маҳаллада таъмирталаб ҳолатга келиб қолган 1 830 та уйлар таъмирланиб, маҳаллий аҳолига топширилди. 4 325 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаш, 485 та хонадонга 10 сотихдан иссиқхона қуриб бериш, аҳолининг 8 239 та ҳужжати қайта тиклашга кўмаклашилди. Сардобадаги «Дўстлик» маҳалласида қурилган 1480 хонадонли 37 та, Мирзаободдаги «Навбахор» маҳалласидаги 360 хонадонли 9 та, «Ҳақиқат» маҳалласидаги 800 хонадонли 40 та кўп қаватли уйларга аҳолини жойлаштириш ишлари амалга оширилди. Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига атрафчилик жавоб берилди.



Хоразм вилояти

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксариятида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилгани акс этгани кузатилади. Улар қонуний асосда кўриб чиқилади, албатта. Иш берувчилар номига киритилган тақдимномалар ҳамда судларга йўлланган даъво аризалари орқали қанчадан-қанча ходим ишга тикланиб, уларга етказилган моддий ва маънавий зарар пуллари ундирилишига эришилади. Афсуски, иш берувчилар томонидан суд ҳал қилув қарорлари ижросини бажармайдиган, турли сабаблар билан пайсалга солаётган ҳолатлар ҳам учраб турибди. Хусусан, «Микрокредитбанк» АТБ вилоят филиали Амалиёт бўлими бошлиғи лавозимида ишлаган Шавкатжон Собировни ишга тиклаш осон бўлмади.

«ИШОНЧНОМА»СИЗ БОШЛИҚ У ИШГА ТИКЛАНДИ, АММО...



Гап шундаки, Ш.Собиров билан тузилган меҳнат шартномаси «Микрокредитбанк» АТБнинг 2020 йил 10 июлдаги 151-сонли буйруғига мувофиқ, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 3-бандига асосланган ҳолда бекор қилинган. Мазкур буйруқнинг чиқарилишига «Микрокредитбанк» АТБ Хоразм вилояти минтақавий филиалининг 2020 йил 4 июндаги ва 25 июндаги тақдимномаси ва бошқарув раиси ўринбосарининг билдиришномаси асос қилинган. Аммо Ш.Собировни ишдан бўшатишга касаба уюшмалари розилиги олинмаган.

Тўғри, иш берувчи 2020 йил 26 июнда Ш.Собировни ишдан бўшатиш масаласини кўриб чиқиши сўраб «Микрокредитбанк» АТБ касаба уюшма кўмитасига қўмитасига қўмитасига киритган.

БАНК ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИГА ЙЎЛЛАГАН АППЕЛЯЦИЯ ШИКОЯТИДА КАСАБА УЮШМА КЎМИТАСИ РОЗИЛИГИ ОЛИНМАГАН ИШДА АМАЛИЁТ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ.

151-сонли буйруғи фойдаланишнинг деб топилди ва бекор қилинди. Қарорда Ш.Собиров ўз лавозимига тикланиши кўрсатилди. Иш берувчининг ҳолатидаги мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи бўшатиш масаласи кўрилмасдан

қолдирилган. Урни келганда бир нарсани айтиб ўтиш жоиз, Президентнинг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони 16-бандига кўра, 14 ёшга тўлмаган фарзанди бор ходим билан тузилган шартномани иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тақиқланган. Ш.Собировнинг эса уч нафар фарзанди бўлиб, икки нафари 14 ёшга тўлмаган. Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ш.Собиров манфаатларини кўзлаб, 2020 йил 10 августда судга мурожаат қилди. Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманларaro судининг 2020 йил 25 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан ушбу даъво ариза қаноатлантирилиб, «Микрокредитбанк» АТБнинг 2020 йил 10 июлдаги

151-сонли буйруғи фойдаланишнинг деб топилди ва бекор қилинди. Қарорда Ш.Собиров ўз лавозимига тикланиши кўрсатилди. Иш берувчининг ҳолатидаги мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи бўшатиш масаласи кўрилмасдан

зарар учун 8 000 000 сўм ундириш белгиланди.

Лекин «Микрокредитбанк» АТБ раҳбарияти суднинг ушбу ҳал қилув

қарори ижросини таъминлашни пайсалга солди. Оқибатда Ш.Собиров 2020 йил 15 октябрда Президент виртуал қабулхонасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Шундан сўнг 17 октябрда Бош прокуратура ҳузурдаги Мажбурий ижро бюроси Чилонзор тумани бўлими «Микрокредитбанк» АТБга нисбатан ижро иши кўзгади.


2020 йил 28 октябрда АТБ бошқаруви раиси О.Бўтаев қабул қилган буйруқда Ш.Собировни 10 июлда амалиёт бўлими бошлиғи лавозимига қайта тиклаш белгиланган. Буйруқда, шунингдек, бўлим бошлиғи лавозимига қайта ўтказиш белгиланган. Бироқ амалиёт бўлимининг бошқаруш ҳуқуқи бош мутахассисда қолдирилиб, унга берилган ишончнома қайта кўриб чиқиш кўрсатилган.

Бу орада «Микрокредитбанк» АТБ маъмурияти бошланғич касаба уюшма кўмитаси Ш.Собировни ишдан бўшатиш масаласини

«Мен кўпроқ оддий одамлар билан гаплашсам, сизларнинг кўзларингизга қарасам, ниятларингизни билсам дейман», деган эди Наманган аҳли билан суҳбатда Президентимиз. Бу сўзларнинг замирида катта маъно бор, аксарият раҳбарлар учун эса ибрат бор. Ўз халқининг фаровон ҳаёт кечирishiни, бахтли яшашини истаган ҳар қандай раҳбар юмшоқ ўриндигидан туриб, халқ орасига кирмаса, улар билан мулоқот қилмаса, қоғозлардаги ҳисоботларга алданиб, ҳеч кимни рози қила олмайди.

Президентимиз Наманганга ташрифи чоғида 26-Меҳрибонлик уйи болалари билан учрашди ҳамда 14 нафар қария яшаётган «Саховат» уйдагилар билан ҳам суҳбатда бўлди. «Менга Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси қадри. Бугун жуда оғир кун бўлди, кўп масалаларни муҳокама қилдик. Самолётга ўтириб, қайтиш олтидан кўнглимдан сизлар ўтдингиз. Шу муаммони ҳал қилмасдан кетаманми, деб ўйладим», деди қариялар билан суҳбат чоғида Президентимиз.

1982 йилда қурилган «Саховат» уйи биноси ўрнига 4 ой ичида янги, барча шароитларга эга бино қуриб берилишини алоҳида таъкидлади. Нурунийларимиз эса дуога қўл очиб, юртга тинчлик-фаровонлик тилашди.



Сирдарё вилояти

Оқолтин тумани «Баркамол авлод» болалар мактаб маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида жамоа шартномасининг 2020 йилда бажарилиши сарҳисобига бағишланган умумий йиғилиши юқори савияда ташкил этилди.



ҚИЗГИН МУЗОКАРА АСОСИДА

Унда қайд этилганидек, ходим, албатта, адолат кўрган жойда самарали фаолият кўрсатади. Шунингдек, муносиб баҳо, муносабатни тўғри олиб бориш ҳам ўта муҳим. Йил давомида ходимлар иш ҳақлари ўз вақтида берилишига эришилди. Касаба уюшмаси томонидан 4 нафар эҳтиёжманд оила вакилларига моддий ёрдам кўрсатилди. Уч нафар эҳтиёжманд оила фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилди. Йиғилишда ўтган йилда амалга оширилган ишлар ҳақида батафсил сўз юритилиб, иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти мажбуриятлари ижроси тўлалигича ёритилгани эътироф этилди.

Диляфрўз ХОЛМАТОВА, Оқолтин тумани «Баркамол авлод» болалар мактаби касаба уюшма кўмитаси раиси

Самарқанд вилояти

Самарқандда Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касабаси Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятлари бўлини кенгашининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Таъсис конференцияси



Унда республика тармоқ касабаси уюшмасининг Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятлари бўйича масъул ташкилотчи вазирилик ишлаб келган Олимхон Мирзаев бўлини кенгаши раислигига сайланди. Конференция делегатлари жамоатчилик асосидаги раис ўринбосари ва тафтиш комиссияси раисларини ҳам сайлаб олишди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

ФАОЛИЯТ МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

